

Грознийда Ўзбекистонга зиёрат турлари тақдим этилади



11:30 / 02.02.2021 2179

Чеченистон Республикаси туризм вазири ўринбосари Аҳмад Хазуев ва туризм ривожлантириш, дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш департаменти директори Мед Атиев, Чеченистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Хасан Ҳакимов раислигида, Ростов-Дон шаҳридаги Ўзбекистон Республикаси консуллиги вакиллари Рустам Қўрғонбоев ва Хўжабахлил Асомовлар билан учрашди. Бу ҳақда «Чечня Сегодня» ахборот агентлигига таяниб, Ўзбекистон мусулмонлари идораси матбуот хизмати хабар берди.

Кун тартибига сайёҳлик соҳасида томонлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик, сайёҳлик оқимларининг ўзаро ҳамкорлигини яхшилаш мавзулари киритилди. Шунингдек, жорий йилнинг февраль ойида Грозний шаҳрида «Ўзбекистонга зиёрат турлари» мавзусида бўлиб ўтадиган тақдимот

маросимини ўтказиш масалалари кўриб чиқилди, - деди Чеченистон Республикаси туризм вазирлиги вакиллари.

Вазирлик матбуот хизмати хабарига кўра, ушбу тур нафақат Шимолий Кавказ аҳолиси, балки бутун дунёдан келган меҳмонлар учун ҳам долзарб ва талабга эга бўлади. Чеченистон Республикасининг барча туроператорлари ва сайёҳлик агентларига «Ўзбекистонга зиёрат турлари» ҳақида маълумот берилади.